O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: xalksuzi@uzpak.uz ● 2004 йил 4 август № 160 (3435) Чоршанба




*Нукус шаҳри: кеча, бугун, эртага*

***Ўн уч йилдирки, мустақилликнинг ҳаётбахш ҳавосидан кўкрагини тўлдириб нафас олаётган азиз ва азим юрт, жонажон Ўзбекистонимизнинг узвий бўлаги — Қорақалпоғистон Республикасининг бош кенти Нукуснинг ўтмиши, бугунги куни ва истиқболида қорақалпоқ халқининг тақдири кўзгуда жилолангандек акс этиб турибди.***



# МУСТАҚИЛЛИК НУРИДАН БАҲРА ОЛГАН КЕНТ

### *«Ўз элим бу, ўз қалъам!»*

Истиқлолдан кейин Нукус шаҳрининг қутлуғ тўйи икки марта ўтказилди. Айниқса, муҳтарам Президентимиз Ислом Каримовнинг навқирон шаҳарнинг 70 йиллигига бағишланган тантанали маросимда айтган қуйидаги сўзлари ҳар бир қорақалпоғистонликнинг, ҳар бир нукусликнинг қалбидан чуқур ўрин олди: «Бугунги унутилмас лаҳзаларда сиз, азизларнинг очиқ чеҳрангизга боқиб, аввал ҳам айтган бир фикримни яна такрорламоқчиман: ўзимни нафақат ўзбек, балки қорақалпоқ халқининг ҳам фарзанди, деб ҳисоблаш менга доим куч-қувват ва қанот бағишлайди.

Шунинг учун мен ушбу гўзал оқшомда катта қувонч ва ифтихор билан:

— Ўз элим — қорақалпоғим омон бўлсин, ўз қалъам — Нукусим дунё тургунча турсин, дейман».

Нукусликлар 1989 йил ёзини, Ислом Абдуғаниевич Каримов Ўзбекистон Республикаси раҳбарлигига киришган куннинг эртасига Нукусга ва Мўйноққа учиб келганини худди кечагидек чуқур миннатдорчилик билан эслайдилар. Зеро, Шўролар салтанати нукусликларга лоақал ичимлик суви муаммосини ечиб беролмаган, собиқ Сиёсий Бюронинг нуфузли аъзоларидан бири киндик қони Қорақалпоғистон заминида тўкилганини аллақачон унутган, машҳур ибора билан айтганда, «непомнящий»га айланган эди. Ўша куниёқ «Туямўйин-Нукус» ичимлик суви қувури билан боғлиқ ишлар жадаллашиб кетди. Шаҳарликлар ишга бир-бир ярим соат кечикиб боришарди. Қисқа муддатда Нукусда троллейбус қатнови йўлга қўйилди. Шаҳарнинг 70 йиллиги арафасида троллейбус йўналиши «Қизкетган» йўлдош шаҳарчасига ҳам етиб борди.




Президент Ислом Каримов биринчи ташрифи чоғида Нукусда туриб: «Инсонларга ғамхўрликни чақалоқлардан бошлайлик,отахон ва онахонларнинг ҳурматини жойига қўяйлик!» — дедилар. Тез орада шаҳарда Ўзбекистон акушерлик ва гинекология илмий-тадқиқот инстутининг филиали қад ростлади. Бу муассасанинг жонкуяр шифокори Онесия Саитова мамлакатимизда биринчилардан бўлиб Ўзбекистон Қаҳрамони унвонига сазовор бўлди.

Бугун Нукуснинг қиёфаси ҳар қачонгидан гўзаллашган. Марказий майдон, аэропорт, Бердақ номидаги театр қайта таъмирланди. Бир қанча янги академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари фойдаланишга топширилди. Жорий йилнинг 6 ойида Нукус саноат корхоналарида 9,1 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. 14 та қўшма корхона 1660600 АҚШ доллари миқдорида маҳсулотни экспорт қилди. Кичик ва ўрта бизнес ривожланмоқда. Шаҳар истиқлол йўлидан дадил одимламоқда!

### *Орамиздаги одамлар*

— Мен ҳаётимни истиқлолгача ва истиқлолдан кейинги даврга бўлишга ўрганиб қолганман, — дейди Ўзбекистон Қаҳрамони Алланиёз оға Ўтениёзов биз билан суҳбатда. — Ўша замонда бир мактабда мен билан учрашув ўтказмоқчи бўлишганида, «юқори»нинг рухсати керак, деб таъбимни хира қилишган. Ҳамқишлоқларим менинг номзодимни депутатликка кўрсатишганида, усталик билан рўйхатдан «ўчириб» ташлашган.

Мен қирқ йил мобайнида «Ярим гектар ерим бўлса-ю, боғ яратсам» деган армон билан яшаган эдим. Очиғи, яхши ниятим ярим моллигича қолиб кетадими, деган хавотирда эдим.

**(Давоми 3-бетда).**

# Терроризмга қарши ҳаракатларни жипслаштириш керак

***Ўзбекистонда амалга оширилган террорчилик хуружи халқаро жамоатчилик қаҳрини уйғотди. Кўплаб мамлакатлардан келаётган мактубларда Ўзбекистон халқига, тинчлик ва барқарорликка қарши қаратилган жиноий ҳаракатлар кескин қораланмоқда.***

— "Мазкур зўравонлик муносабати билан Исроил ҳукумати номидан Ўзбекистон ҳукумати ва халқига билдираётган чуқур ҳамдардлигимни қабул қилгайсиз, — дейди Исроил Бош вазирининг ўринбосари, ташқи ишлар вазири С.Шаломов. — Қурбон бўлганларнинг оилаларига таъзиямни, яраланганларга эса тезроқ соғайиб кетиш тилагимни етказишингизни сўрайман.

Исроил нафақат бевосита нишонларга, балки Ўзбекистонга зарар етказиш ва бутун жаҳондаги нормал ижтимоий вазиятга қарши қаратилган ушбу террор хуружини кескин қоралайди.

Жаҳон давлатлари ушбу глобал душманга қарши бирлашишлари керак. Террордан сиёсий мақсадларига эришиш йўлида фойдаланаётган кимсаларнинг уринишларини бартараф қилиш учун барча жабҳалардаги саъй-ҳаракатларни жипслаштирмоқ даркор".

Бельгия ташқи ишлар вазири К.Де Гюхт ҳам ўз баёнотида Тошкентда содир этилган террорчилик ҳаракатларини қатъий қоралаган. У қурбон бўлганлар оилаларининг барча аъзолари, Ўзбекистон ҳукумати ҳамда республикамиздаги Исроил ва АҚШ дипломатик ваколатхоналарига чуқур ҳамдардлик билдирди.

Ўзбекистонда террорчилар томонидан содир этилган янги хуруж ҳақидаги хабарни ГФР ижтимоий-сиёсий доиралари вакиллари қоралаш руҳида қабул қилишди.

"Тошкентдаги портлашлар халқаро терроризмнинг асл башарасини очиб ташлади. Шу боис бугун барча мамлакатларнинг унга қарши саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштириш керак, — дейди Немис археология институти вице-президенти, профессор Д.Хуфф. — Ўзбекистон нафақат буюк маданият мамлакати, балки "Авесто" ватани ҳамдир ва у уч минг йиллик цивилизацияга эга. Бу ерда зўравонликни тан олмайдиган халқ яшайди. Ўзбек халқи ўз чекига тушган бу оғир синовдан ёруғ юз ва матонат билан ўтишига ишончим комил".

Германиянинг таниқли "Мэриам" журнали махсус мухбири М.Вебер Тошкентда содир этилган террорчилик ҳаракатлари тўғрисидаги хабар Ўзбекистонга бефарқ бўлмаган барча инсонларда қайғу ҳисларини уйғотганини қайд этган. У ушбу воқеалар ўзбек халқининг бой маданияти, мамлакатимиз сайёҳлик салоҳияти ҳақида материал тайёрлаш ниятида октябрь ойида республикамизга режалаштирган ижодий сафарига таъсир ўтказа олмаслигини билдирган.

Республикадаги фожиавий воқеаларга собиқ ватандошларимиз ҳам бефарқ қолишмади. "Қадрдон заминдаги портлашлар мени ларзага келтирди, — дейди илгари Самарқандда яшаган, ҳозир йирик "Шпоммер райзен Гмбх" сайёҳлик компаниясига раҳбарлик қилаётган В.Шпоммер. — Террорчиларнинг Ўзбекистондаги тинчлик ва осойишталикни бузишга қаратилган уринишларидан қатъи назар, бизнинг компания Германиядан Ўзбекистонга ташриф буюраётган туристларнинг сонини оширишдаги саъй-ҳаракатларини кучайтираверади".

**"Жаҳон" АА.**

### ХХР ташқи ишлар вазирлиги баёнотидан

**Хитой томони Тошкентдаги террорчилик хуружларидан ташвишга тушди, Ўзбекистондаги вазият ривожини диққат билан кузатмоқда ва ушбу жиноий ҳаракатларни кескин қоралайди.**

**ХХР ҳукумати терроризмнинг барча кўринишларига қарши чиқади. Хитой томони Ўзбекистон ҳукуматини терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши курашда аввалгидек оғишмай қўллаб-қувватлайверади.**

**Хитой Президент Ислом Каримов раҳбарлигида Ўзбекистон осойишталик ва ижтимоий барқарорликни сақлаб қолишига ишонади.**

**"Жаҳон" АА.**

# Огоҳлик нимадир?

***Юртбошимизнинг «Мен болаларимни ҳеч кимга бериб қўймайман» деган гаплари бор. Бу сўзлар замирида эртанги кун ворисларининг қалби, эътиқоди ва уларнинг нозик дунёқараши назарда тутилганлиги, онгу шуурларига ёт ғоялар кириб қолмаслиги таъкидланаётганлиги ҳаммамизга маълум.***

Огоҳлик ҳақида гап борганда, мен болалар билан ишлаганим учунми, кўпинча уларнинг тарбияси ҳақида, тарбиядаги нотекислик, қусурлар ҳақида ўйлайман. «Огоҳлик» сўзига «лоқайдлик», «бепарволик» сўзларини қўшиб айтаётганларида, мен яна менга ва сизга умид кўзини тикиб турган, порлоқ келажагини сизга ишониб топширган ўша беғубор, ишонувчан болалар ҳақида фикрга толаман. «Хўш, огоҳлик нимадир?» деб сўрайман ўзимдан ўзим. Уни болаларнинг мусаффо оламига қайси йўл билан олиб кирмоқ керак, деб фикримни давом эттирган бўламан.

Бола нимадан огоҳ бўлиши керагу нимадан жуда эҳтиёт бўлиши керак, бунда меҳрибон ота-оналарнинг, талабчан тарбиячиларнинг, кенг фикрлай оладиган жамоатчиликнинг масъулияти, вазифаси нималардан иборат бўлиши керак?

Бола тақлидчи бўлади, тақлид қилма, десангиз ҳам тақлид қилаверади.

Бола эргашувчи бўлади, бировга ҳадеб эргашаверма десангиз-да, эргашавераман, дейди.

Бола ишонувчан бўлади, палон нарсага ишонма десангиз, ишонавераман, ишингизни қилинг, дейди.

Хўш, шунда нима қилиш керак? Бунга буюкларнинг тайёр жавоби бор. Яъни, моҳиятни тушунтирувчи билан тушунувчи биргаликда қўлни қўлга бериб бориш керак, дейишади. Яъни, масаланинг туб моҳиятини аввал тарбиячининг ўзи, сўнгра тарбияланувчининг билиши зарур бўлади. Моҳият аниқланиб олинмагунча, тарбиянинг фойдаси ҳам, хосияти ҳам камроқ бўлади.

Мен бир неча йиллардан буён республика телевидениесида ўсмирлар учун «Ўйла, изла, топ» кўрсатувида иштирок этаман, дастур тузаман. Дастурлар ичига экстремистик оқимлар ҳақида саволлар ҳам киритиб бораман. Бу нарса бежиз эмас. Мактаб дастурида ана шуларга оид озми-кўпми сабоқ берилиши айни муддао.

Мен ана шу офатлар ҳақида ўсмирлардан сўраганимда:

— Домла, улар ёмон иллатлар, — деб қўйишади.

— Нимаси билан ёмон? — деб сўрайман яна.

— Э, нимасини айтасиз, жуда ёмон-да, — деган жавобдан нарига ўтишмайди.

Демак, деб ўйлайман ўзимча, ёт ғояларнинг зарари ҳақида муаллимлар етарли сабоқ бермаганлар. Тўғрироғи, бу хунук ҳолатлар ҳақида муаллимларнинг кўпчилиги ҳам етарли тушунчага эга эмасдек кўринади, назаримда.

Аввало, тарбиячилар бепарво.

Қолаверса, тарбияланувчилар ҳам шу аҳволда.

Ахир, бу «изм-изм»ларнинг бош мақсади мустақил ривожланаётган мамлакатимизнинг буюк ҳаракатига халақит бериш, кишилар қалбига қўрқув, ваҳима, халқлар, мамлакатлар дўстлигига раҳна солиш эканлигини, энг аввало, тарбиячи билиши керак-ку!

**Мамлакатимизда миллий истиқлол ғояси шаклланаяпти, янги авлод дунёга келяпти. Лекин бошқа ғоялар талвасада бўлса-да, осонликча жон бермоқчи эмас.** Пойтахтдаги улуғ бобомиз номи билан аталувчи Опера ва балет театрининг шундоққина ёнбошида, Маданият ишлари вазирлигининг рўпарасида, очиқроқ қилиб айтадиган бўлсак, шундоққина қаршисидаги узундан-узоқ масофага чўзилиб кетган катта-кичик дўкончаларда ёки шаҳримизнинг бозорларидаги бир-бирлари билан баҳслашаётган эркак-хотин ёймачиларнинг

**(Давоми 3-бетда).**

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг*

*ҚАРОРИ*

## «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компаниясини бошқаришни ташкил этишни янада такомиллаштириш тўғрисида

Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Темир йўл транспортини монополиядан чиқариш ва акциялаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2001 йил 2 мартдаги ПФ-2815-сон Фармонига мувофиқ темир йўл транспорти соҳасида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, хусусийлаштириш ва рақобат муҳитини шакллантириш жараёни изчил амалга оширилаётганлигини қайд этади.

"Ўзбекистон темир йўллари" давлат-акциядорлик компанияси тизимида йўловчиларни ташиш бўйича "Ўзтемирйўлйўловчи", юкларни контейнерларда ташиш бўйича "Ўзтемирйўлконтейнер" ва рефрижератор вагонларида ташиш бўйича "Йўлрефтранс", йўловчи ташиш вагонлари ва юк вагонларини таъмирлаш корхоналари акциялаштирилди. Юк ва йўловчилар ташиш жараёни билан бевосита боғлиқ бўлмаган хўжалик жамиятларининг устав фондларидаги давлат улушлари тўлиқ сотилди.

Темир йўл транспортини бошқаришда функционал ва ҳудудий ёндашувларнинг ўзаро яқин алоқасини таъминлайдиган минтақавий темир йўл узеллари барпо этилди. Ҳаракатдаги таркиб таъминоти, уни таъмирлаш ва унга техник хизмат кўрсатиш тизими такомиллаштирилди ва унинг базаси мустаҳкамланди.

Айни вақтда юк ва йўловчилар ташийдиган, йўловчиларга хизмат кўрсатувчи ва хизматлар кўрсатадиган корхоналар ва ташкилотларни хусусийлаштириш суст амалга оширилмоқда. Хорижий инвесторлар хусусийлаштириш жараёнига етарлича фаол жалб этилмаяпти. Транспорт хизматлари бозорида рақобат муҳити ҳанузгача шаклланмаган. Иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислоҳ қилишнинг ҳозирги босқичи талабларига мувофиқ темир йўл транспортини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш ва мақбуллаштириш талаб этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Хўжалик бошқаруви органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида" 2003 йил 22 декабрдаги ПФ-3366-сон Фармонини бажариш юзасидан ҳамда хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш жараёнларини чуқурлаштириш ва транспорт хизматлари бозорида рақобат муҳитини шакллантириш, юк ва йўловчилар ташиш бўйича хизматлар даражасини ва сифатини ошириш, темир йўл транспортини бошқариш тузилмасини мақбуллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. "Ўзбекистон темир йўллари" давлат-акциядорлик компанияси темир йўл транспорти соҳасида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича қабул қилинган дастурга мувофиқ монополиядан чиқариш, хусусийлаштиришни чуқурлаштириш ва транспорт хизматлари бозорида рақобат муҳитини шакллантириш, ташувлар жараёнини бевосита таъминловчи, юк ва йўловчилар ташишда хизматлар кўрсатувчи, тармоқ корхоналари ва ташкилотларига хизмат кўрсатувчи корхоналар функцияларини аниқ тақсимлаш, бозор принциплари ва механизмларини бошқариш ва хўжалик юритиш тизимига кенг жорий этиш чора-тадбирларининг изчил амалга оширилишини таъминласин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси "Ўзбекистон темир йўллари" давлат-акциядорлик компанияси билан биргаликда:

"Ўзбекистон темир йўллари" давлат-акциядорлик компанияси тизимига кирадиган корхоналар ва ташкилотларни акциялаштириш ва хусусийлаштириш, шу жумладан хусусий мулк этиб сотиш борасида Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 3 мартдаги 108-сон қарорида белгиланган ҳамда 2003-2004 йилларда корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастурида тасдиқланган топшириқларнинг сўзсиз бажарилишини таъминласин;

икки ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига хусусийлаштириш жараёнини янада чуқурлаштириш, хусусийлаштириладиган ва хусусий мулк этиб сотиладиган корхоналар, энг аввало, йўловчиларга хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ бўлган темир йўл вокзаллари сонини кўпайтириш ва доирасини кенгайтириш, шунингдек хусусийлаштириш жараёнига хорижий инвесторларни жалб этиш бўйича аниқ таклифлар киритсин.

3. Қуйидагилар:

"Ўзбекистон темир йўллари" давлат-акциядорлик компаниясининг ташкилий тузилмаси ва ижро этувчи аппаратининг тузилмаси;

минтақавий темир йўл узелларининг ташкилий тузилмаси ва уларнинг бошқарув аппарати намунавий тузилмаси маъқуллансин.

4. Қуйидагилар "Ўзбекистон темир йўллари" давлат-акциядорлик компаниясининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

темир йўл транспортининг барқарор ва самарали ишлашини, ташишлар хавфсизлигини таъминлаш, кўрсатилаётган транспорт хизматлари сифатини ошириш;

моддий-техник базани мустаҳкамлаш, темир йўллар тармоғини янада ривожлантириш ва уларнинг хизмат кўрсатиш имкониятини ошириш, илғор технологияларни ва менежментнинг замонавий методларини кенг жорий этиш;

ҳаракатдаги таркиб, йўл хўжалиги, энергия таъминоти, сигнализация ва алоқа тизимини замонавийлаштириш ва такомиллаштиришга, шунингдек тармоқ саноат корхоналарини технология жиҳатидан қайта жиҳозлашга хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш;

маркетинг тадқиқотларини ташкил этиш, компания корхоналарига ахборот хизматлари кўрсатиш ҳамда ички ва ташқи бозорда уларнинг рақобатбардошлилигини ошириш масалаларини ҳал этишда кўмаклашиш;

кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил қилиш.

5. "Ўзбекистон темир йўллари" давлат-акциядорлик компанияси ижро этувчи аппарати ходимларининг чекланган умумий сони 154 нафар, шу жумладан бошқарув ходимлари сони 120 нафар этиб белгилансин.

Қуйидагиларга:

акциядорлар умумий йиғилиши ва кузатув кенгаши функциясини бажарувчи Компания кенгашига "Ўзбекистон темир йўллари" давлат-акциядорлик компаниясининг ташкилий тузилмасига бошқарув ходимларининг белгиланган сони доирасида ўзгартиришлар киритиш;

"Ўзбекистон темир йўллари" давлат-акциядорлик компанияси бошқаруви раисига, зарурат бўлганда, компаниянинг ижро этувчи аппарати тузилмасига, минтақавий темир йўл узелларининг ташкилий ва намунавий тузилмаларига бошқарув ходимларининг белгиланган сони доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

6. "Ўзбекистон темир йўллари" давлат-акциядорлик компанияси Кенгаши бир ой муддатда янги таҳрирдаги уставни тасдиқласин ва уни давлат рўйхатидан ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига тақдим этсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2004 йил 3 август.






# МУСТАҚИЛЛИК НУРИДАН БАҲРА ОЛГАН КЕНТ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Аллоҳга беадад шукурки, бир эмас, 15 гектар ер беришди. «Саховат» фермер хўжалигини очдим. Боғ яратдим, ҳамма қатори яшаяпман, ишлаяпман...

Алланиёз оға ўзининг ишлари тўғрисида кўп сўзлашни унчалик ёқтирмайди. Унинг қадрдон дўсти, «Нуроний» жамғармаси Нукус тумани бўлими раиси Отамурат Даулетмуратов эса шундай дейди:

— Алланиёзнинг кейинги бир-икки ой ичида амалга оширган хайр-саховат, мурувват ишларининг ўзи бир достон. Муҳтожларга бир неча тонна мева-чева ҳадя қилди. Эриш туюлса ҳам айтай: уйидаги икки қоп гуручидан бир қопини «Меҳрибонлик уйи»га олиб бориб берди. Нукус кўчаларига, хиёбонларига у ўтказган кўчат ва гулларни ҳисобламасам ҳам бўлади. Шаҳримизда шундай фидойи инсон борлигидан фахрлансак арзийди!

## *Страдиварининг нукуслик шогирди*

Етти иқлимнинг бир чеккасида кашфиёт юзага келса, ҳайратимизнинг чеки бўлмайди. Ҳолбуки, бугунги цивилизациянинг ажралмас бўлагига айланган телевизорни Қорақалпоғистонда, Тўрткўлда яшаган ҳамюртимиз Грабовский кашф этган. Ҳозир ҳам шундоққина ёнимизда аллақачон «Гиннеснинг рекордлари» китобидан ўрин олишга лойиқ замондошларимиз умргузаронлик қилмоқдалар.

.... 2002 йилнинг ёзида, аниқроғи, июнь ойида нукуслик скрипка ясовчи уста Арзибек Хўжаназаровни Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Қироллиги пойтахтига расмий равишда таклиф этишди. У Лондонга ўзи ясаган мўъжизавий скрипкани олиб борди. Наинки Англиядан, балки бутун дунёнинг барча бурчакларидан келган билимдон санъатшунослар Арзибек оғанинг скрипкасини сайёрамизда кейинги даврда ясалган энг нодир мусиқа асбоблари сирасига киритишди.



— Сизнинг маҳоратингиз ўн еттинчи аср охири ва ўн саккизинчи аср бошларида Италияда буюк Антонио Страдивари бажарган беқиёс ишларни эслатмоқда, — деди лондонлик малакали мутахассис Винсент Пауль Манзе. — Айниқса, скрипка учун фақат Страдивари топган соз садоларини уйғунлаштирганингиз Аллоҳ Сизга миллион-миллион одамларга насиб этмаган ноёб қобилиятни берганидан далолатдир.

Жаноб В. П. Манзенинг эътирофини Арзибек оғага ўнлаб нуфузли мутахассислар ҳам айтишган. Сабаби — у скрипкадан ташқари қорақалпоқ дуторини ҳам ясаб, энг баланд садосини топди. Бизни ўз сўзига амалда ишонтириш учун у ўнга яқин дутор чалинаётган мусиқа дастаси қошида янги дуторини чалиб кўрсатди. Мўъжизани қарангки, бир дутор садоси ўн дутор жарангини босиб кетди. Қолаверса, Арзибек Хўжаназаровнинг дуторида куй чалсангиз, ҳеч қандай микрофонга ҳожат қолмайди.

— Менинг боболаримдан бири — Идият отам ўз замонида дутор, қўбиз, ғижжак ясаган, — дейди Арзибек оға. — Менга скрипка ва дутор ясашнинг асрий сирини билиш насиб этди. Истиқлол туфайли мен хорижга бориб келдим.

Ўйлаймизки, буюк Антонио Страдиваринининг нукуслик шогирди — олтмиш бир ёшли уста ҳали кўп ноёб мусиқа асбобларини халққа туҳфа қилгай!

## *«Нукусни ҳам, Тошкентни ҳам бирдек севаман...»*

Томчида қуёш акс этади, дейдилар. Оддий, оқила, билимдон ва камтарин қорақалпоқ қизи Ойжамол Тўремуратованинг бахтли тақдирида гўё истиқлол берган имконлар, мустақиллик шукуҳи ўз ифодасини топгандай. Ўнта бўлса ўрни бўлак, деган гап бор. Қорақалпоғистондан Зулфия номидаги давлат мукофотига муносиб деб топилган қизлар орасида Ойжамолнинг алоҳида ўрни бор. Тўғри, унинг таржимаи ҳоли ҳам кўп жиҳатдан тенгдошлариникига ўхшайди: 1984 йилнинг I августида афсонавий Алпомиш юрти — Қўнғиротда туғилади. Бир неча йилдан кейин Тўремуратовлар хонадони Нукусга кўчиб келишади. Ойжамолнинг онаси, врач-кардиолог Зуҳра Қолбоевна унда мурғаклигидан симфоник мусиқага иштиёқ борлигини сезиб, Ешчон бахши номидаги, I-сонли мусиқа мактабига ўқишга беради. Бу ерда Ойжамол дастлабки мураббийси Дамира Фаизовадан сабоқ олади. 1998 йили эса Жапақ Шомуратов номидаги Нукус санъат коллежининг фортепьяно синфига кириб, мусиқа сирларини ўрганди. Бунда унга Наталья Ивановна Қиличева устозлик қилди.



Биз, журналистлар ўз қаҳрамонларимиз билан учрашганда, уларнинг фикрини «қўзғаб» кўришга ҳаракат қиламиз. Мен ҳам Ойжамол билан суҳбатлашганимда, атайин ўнга яқин жаҳон мумтоз бастакорларининг исми-шарифи, тахаллусларини тилга олдим. Бетховен билан Шопенни эслатганимда, ёш қорақалпоқ бастакорининг юзлари ёришиб кетди.

— Бетховен симфониялари менинг жону дилим, — деди Ойжамол. — Айниқса, 5-симфонияни, қаҳрамонлик оҳангларидан иборат 3-симфонияни ҳар гал орзиқиб тинглайман. Лист асарларини ҳам ёқтираман! Қорақалпоқ миллий симфоник мусиқасидан эса марҳум Ғойиб Демесиновнинг асарларига меҳрим тушган!

Мусиқага бўлган ихлос ва муҳаббат Ойжамолни Ўзбекистон Миллий консерваториясига бошлаб борди. У устози Феликс Маркович Янов-Яновский синфида учинчи босқичга ўтди. Ёш бастакор шу кунгача 30 га яқин романс ва куйлар басталади.

— Мен Нукусни ҳам, Тошкентни ҳам бирдек севаман, — дейди Ойжамол Тўремуратова. — Мустақиллик туфайли иккала шаҳарда ҳам мен учун илм ва санъат эшиклари ланг очилди. Бу озод ва обод мамлакатда менга ўхшаган миллион-лаб ўғил-қизлар эртанги кунга ишонч билан қадам қўймоқдалар!

**Янгибой ҚЎЧҚОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
**Рашид ГАЛИЕВ олган суратлар.**

# Огоҳлик нимадир?

(Давоми. Боши 1-бетда).

пасту баланд пештоқларига ҳеч назар ташлаб кўрганмисиз? «Дурратул воизин», «Илоҳий ҳодисалар», «Намоз сабоқлари», «Таҳорат олиш қоидалари», «Жон таслим қилиш...» сингари қаерда ва кўпинча ким томонидан нашр этилаётганлиги маълум бўлмаган диний адабиётларни, Москвада, СанктПетербургда, Харьковда, узоқ Сибир шаҳарларида бир неча йил олдин чоп этилиб, сотилмай қолиб ётган китобларни кўрганмисиз? Бу китобларнинг мўллигидан пештахталарнинг бели майишиб-майишиб кетай деб турибди.

Китоб қайси тилда бўлишидан қатъи назар, кўп ва яна кўп бўлгани яхши. Лекин мана шулар орасида ҳеч бўлмаса йигирма ёки ўттизтадан биттаси, майли безаксиз бўлсин, майли муқоваси юпқагина бўлсин, миллий истиқлол ғоясини рўйи-рост акс эттирадиган ўзбекча китоб бўлганда эди, дея қайта-қайта армон қиласан, киши. Аммо бундай, яна такрор айтаман, қаерда, ким томонидан чоп этилаётганлиги кўпинча маълум бўлмаган китоблар қатида ёт таълимотни ғоят эҳтиёткорлик билан тарғиб қилаётган ғоялар йўқ, деб ёки ушбу китоблар руҳига биз аллақачон воз кечган социализмнинг руҳи устамонлик билан сингдириб юборилган эмас, деб ким айта олади?

Мен ишга саккизинчи трамвайда қатнайман. Ўн тўрт бекатни босиб ўтгунча, ўн тўрт ҳолатни кузатаман. Аксарият ўсмирларнинг эгнидаги кийим-боши, аксарият болаларнинг қўлидаги папкалар чет элники ёки кечқурунлари болалар бир хонага, катталар бир хонага бўлиниб олиб, кўрадиган фильмларимизни бир кўз олдингизга келтиринг, ярим кечагача гоҳо тонг отгунча давом этадиган дискотекаларда қулоқларни батанг қиладиган мусиқаларни бир тинглаб кўринг-чи? Майли, ҳозир бундай жойдаги ҳолатларни тасвирлаб ўтирмайлик. Аммо уларнинг ўсмирларимиз тарбиясига қанақа таъсир кўрсатишини ҳеч ўйлаб кўрдикми? Ўзимизга савол бериб кўрайлик: хўш, булар қанақа ҳолат ўзи, буларнинг қайси бири не-не машаққатлар билан қўлга киритган миллийлигимизни улуғлаяпти? Ёки гоҳ чиройли тикилган бош формасида, гоҳ қизиқарли кино қиёфасида, гоҳ юракларни зириллатиб юборадиган, қутурган ҳайвоннинг ўкиришига жуда ҳам ўхшаб кетадиган ёввойи оҳанглар тўлқинида қайси ғоя улуғланаётганлигини ҳам бир ўйлаб кўрайлик.

Шуларни ўйлаганда:
«Лоқайдлик,
бепарволик,
менга нима, барибир эмасми?»
дейдиган ҳолатда эканлигимиз кўпинча хаёлимиздан ўтади ва миллий истиқлол ғоясига, унинг қайсидир қатига путур етиш мумкинлигини сезмай ҳам қоламиз.

Юртбошимизнинг «Мен болаларимни ҳеч кимга бериб қўймайман» деган гаплари бор. Бу сўзлар замирида эртанги кун ворисларининг қалби, эътиқоди ва уларнинг нозик дунёқараши назарда тутилганлиги, онгу шуурларига ёт ғоялар кириб қолмаслиги таъкидланаётганлиги ҳаммамизга маълум.

Янги тизим, янги жамият шаклланаётганда ғоявий жанг гоҳо яширин, гоҳо ошкора бўлиб тураркан. Президентимиз ўз асарларида бу ҳақда такрор ва такрор таъкидлаб ўтганлар.

Демак, Юртбошимиз «Мен болаларимни ҳеч кимга бериб қўймайман», деганларида, бизни, хусусан, болалар ёзувчиларини миллий истиқлол ғояси оламида ҳамиша ҳушёр туришга даъват этаётган эканлар-да, демак, биз, болалар оламининг вакиллари «агарни магарни никоҳ қилсалар...» деб гапни кўпайтиргандан кўра, миллий истиқлол ғоясининг куч-қудратини, ҳаётийлигини, буюклигини ўз асарларимизда таъкидлаб боришимиз керак.

Бошда айтганимиздек, бола ишонувчан, содда бўлади. У навниҳол чоғида ён-атрофида рўй берадиган воқеа-ҳодисалар таъсирида улғаяди, дунёқараши шаклланади. Чунки улар келажагимиз ворислари. Болалар эса жамиятга муносабатни, тарбияни фақат мактабдан эмас, оиладан, кўчадан, маҳалладан, тўй-маросимлардан олади. Ана шуни унутмаган ҳолда биз, ҳаммамиз — қаерда бўлмайлик, қайси касбда ишламайлик болалар тарбиясига эътиборни кучайтирайлик.

Огоҳликнинг бир кўриниши болалар дунёсида ана шулардан иборат бўлиши керак, деб ўйлайман.

***Худойберди ТЎХТАБОЕВ,***
***Ўзбекистон халқ ёзувчиси.***


# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИГА 2004/2005 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШ ҚОИДАЛАРИ

***Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 2 майдаги Фармонига мувофиқ, академия фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари халқаро банк ва молия ишларидаги энг янги ютуқларни ўқитиш йўли билан банк, молия ва солиқ ишлари бўйича юқори малакали мутахассислар тайёрлаш, банк-молия тизимидаги раҳбар кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, мамлакатимизнинг молия-кредит ва солиқ тизимини ривожлантириш соҳасида фундаментал ва амалий тадқиқотларни амалга оширишдан иборатдир.***

***Академия Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ҳаётини ривожлантиришнинг замонавий талаблари ҳамда давлат таълим андозалари, жаҳон ва миллий банк-молия фани ва амалиёти ютуқларини ҳисобга олиб, ишлаб чиқилган режа ва дастурлар асосида ўқув ва таълим фаолиятини амалга оширади.***

***Академиядаги чет тилларни ўрганишнинг чуқурлаштирилган ўқув ва факультатив дастури тингловчиларнинг таълимни тугатганда чет тилларидан бирини амалда тўлиқ билишларини таъминлайди.***

***Ўқув жараёни, илмий ва амалий тадқиқотларни юксак даражада ташкил этиш ва олиб бориш учун етакчи халқаро молия институтлари ва жаҳон тижорат банкларининг маслаҳатчилари, экспертлари ва мутахассислари жалб этилади.***

**Академияда 4 та факультет фаолият кўрсатади:**

***а) банк иши факультети;***
***б) молия факультети;***
***в) солиқ иши факультети;***
***г) банк, молия ва солиқ раҳбар ходимларининг малакасини ошириш факультети.***

Мутахассислар тайёрлаш, кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш кундузги таълим шаклида амалга оширилади.

Банк иши, молия ва солиқ иши факультетларида юқори малакали мутахассислар қуйидаги ихтисосликлар бўйича тайёрланади:

**а) банк иши факультети:**
- *пул муомаласи ва монетар сиёсат;*
- *инвестиция лойиҳаларини комплекс экспертиза қилиш ва молиялаштириш;*
- *банк менежменти, актив ва пассивларни бошқариш;*
- *халқаро молия бозорларидаги операциялар;*
- *банк аудити;*

**б) молия факультети:**
- *давлат молиясини бошқариш;*
- *қимматли қоғозлар ва фонд бозори;*
- *суғурта иши;*
- *молия аудити;*

**в) солиқ иши факультети:**
- *солиқлар ва солиққа тортиш.*

Факультетларга тингловчилар олий таълим муассасасини тугатгандан сўнг республика банк, молия ва солиқ муассасаларида камида икки йиллик иш стажига эга бўлган шахслардан саралаб олинади. Назарий ўқув курсини муваффақиятли тугатган тингловчилар Ўзбекистон Республикаси ва чет эллардаги етакчи банк, молия ва солиқ муассасаларига тажриба орттириш учун юбориладилар ва танланган ихтисослик бўйича магистр унвони олиш учун диссертация ҳимоя қиладилар.

Академиянинг ўқув дастурини муваффақиятли ўтаган битирувчиларга давлат намунасидаги магистр дипломи берилади.

Академиянинг малака ошириш факультетига тингловчилар банк-молия ва солиқ тизимининг амалиётчи раҳбар ходимларидан қабул қилинади. Ўқиш муддати 3 ойгача бўлиб, банк-молия ва солиқ ишлари бўйича асосий курсларни ўтиш, шунингдек, етакчи банк, молия ва солиқ муассасаларида тажриба орттириш ҳам шунга киради. Малака ошириш факультетини битирганларга белгиланган нусхадаги гувоҳнома берилади.

Академияда ўқишни муваффақиятли битирган тингловчилар орасидан республика банк, молия ва солиқ муассасаларида раҳбарлик лавозимларига тавсия этиш учун заҳира тузилади. Академияни юқори рейтинг кўрсаткичлари билан битирганлар молия, банк ва солиқ тизимлари учун бошқарув бўғини раҳбар кадрларини танлашда имтиёзли ҳуқуққа эга бўладилар.

## ҚАБУЛ ҚИЛИШ ҚОИДАЛАРИ

**1.** Тингловчилар академияга қабул комиссияси томонидан қабул қилинади. Қабул комиссиясининг таркиби Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банк ва Ўзбекистон Банклар ассоциацияси билан келишилган ҳолда академия ректори томонидан тасдиқланади.

**2.** Академия белгиланган ўринлар меъёрига мувофиқ, банк иши факультетига 40 нафар, молия факультетига 40 нафар, солиқ факультетига 10 нафар тингловчи ва манфаатдор банклар, молия ва солиқ муассасалари ҳамда алоҳида шахслар билан тузилган шартномалар асосида 20 нафар тингловчи қабул қилади.

**3.** Ҳужжатлар **2004 йил 4 сентябргача** қабул қилинади. Қабул комиссиясига қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:
- *банк, молия, солиқ муассасалари раҳбарларининг тавсияномаси;*
- *ариза (ихтисослик кўрсатилган ҳолда);*
- *олий маълумот ҳақидаги дипломнинг асл нусхаси ва баҳолар иловаси;*
- *кадрларни ҳисобга олиш шахсий варақаси;*
- *меҳнат дафтарчасидан кўчирма;*
- *086-шаклдаги тиббий маълумотнома;*
- *4x6 см. ўлчамли 6 дона рангли фотосурат.*

Паспорт ва ҳарбий хизматга муносабати тўғрисидаги ҳужжат бевосита кўрсатилади.

**4.** Академиянинг банк иши, молия ва солиқ иши факультетларига кирувчилар учун **2004 йил 2 сентябрдан 7 сентябргача** кириш имтиҳонлари юзасидан консультациялар уюштирилади.

**5.** Имтиҳон синовлари **2004 йил 9 сентябрдан 17 сентябргача** компьютер тестлари ва чет тилидан суҳбат орқали ўтказилади.



Тест синовлари муайян ихтисослик ва фанлар блоклари бўйича ўтказилади:

**а) банк иши факультети учун:**
- *иқтисодиёт назарияси, банк иши, пул муомаласи, халқаро валюта-кредит муносабатлари, бухгалтерия ҳисоби ва аудит, банк менежменти ва маркетинг, давлат ва ҳуқуқ асослари;*

**б) молия факультети учун:**
- *иқтисодиёт назарияси, молия ва кредит, молиявий менежмент, қимматли қоғозлар бозори ва биржа иши, бухгалтерия ҳисоби ва аудит, суғурта иши, давлат ва ҳуқуқ асослари;*

**в) солиқ иши факультети учун:**
- *иқтисодиёт назарияси, молия ва кредит, корхона хўжалик фаолиятининг таҳлили, солиқлар ва солиққа тортиш,бухгалтерия ҳисоби ва аудит, давлат ва ҳуқуқ асослари.*

Академияга кирувчилар демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти асослари бўйича тест синовларидан ҳамда чет тиллардан суҳбатдан ўтадилар. Тест ўзбек ёки рус тилларида ўтказилади.

**6.** Конкурс танлови академиянинг қабул комиссияси томонидан суҳбат ва рейтинг тизими бўйича тест синовлари натижалари асосида (ихтисослик йўналиши ва дарс ўтиш тиллари бўйича алоҳида) ўтказилади.

**7.** Белгиланган ўринлар меъёрига мувофиқ қабул қилинган тингловчиларнинг ўқиш даврида асосий иш жойларидаги ўртача иш ҳақлари сақлаб қолинади. Бошқа шаҳарлардан келганларнинг йўл ҳақлари, шунингдек, ётоқхона ҳақи йўлланма берган ташкилотлар зиммасига юкланади.

Тўлов асосида қабул қилинадиган тингловчилар ҳамда хорижий давлатлар вакиллари шартнома (битим) асосида ўқитилади. Шартнома (битим) тузиш шартлари, ўқиш учун тўлов ҳақининг миқдори ва муддатлари академиянинг қабул комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Банклар ассоциацияси билан келишилган ҳолда белгиланади.

**8.** Қабул комиссиясининг қарори **2004 йил 25 сентябрдан** кечикмай эълон қилинади ва у тингловчилар ўқишга қабул қилинганлиги тўғрисида буйруқ чиқаришга асос бўлади.

**9.** Ўқиш 2004 йил 4 октябрдан бошланади.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Ҳамидулла Орипов кўчаси, 16-уй.**
**Телефон: 68-66-84, факс: 68-25-21.**
**Веб-сайт: www.bfa.re.uz e-mail: bfanet@uzsci.net**

*Янги нашр*



## «Фалсафа ва ҳуқуқ»

***илмий-назарий ва маърифий журнал***

Мустақиллик байрами арафасида республикамизнинг маънавий ҳаётида янги нашр юзага келди. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси И.Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти ҳамда Ўзбекистон Файласуфлари миллий жамияти томонидан таъсис этилган «Фалсафа ва ҳуқуқ» журналининг илк сони босмадан чиқди. Ўзбекистоннинг миллий истиқлол ғоясини, ўзбек халқининг миллий тафаккурини умуминсоний қадриятлар даражасида шакллантириш, унинг тарихи, фалсафага бой маданий мероси, илм-фан ютуқларини кенг тарғиб қилишдек юксак вазифани ўз олдига қўйган ушбу нашрда мақолалар ўзбек, рус, инглиз тилларида босилган. Журналда «Фан ҳақида ўйлар», «Шарқ ва Ғарб», «Дунёқараш», «Тадқиқотлар олами», «Фан ва таълим» каби рукнлар остида илмий мақолалар берилган.

«Фалсафа ва ҳуқуқ»нинг илк сонида «Фалсафанинг бугунги истиқболи», «Ғоявий таъсир ва маънавий уйғониш» каби долзарб мавзулардаги мақолалар билан танишасиз. Жаҳон фалсафаси тарихидаги энг қадимий таълимотлардан бири – метафизика ҳақидаги хилма-хил фикрлар, унинг таълимот ва услуб сифатидаги хусусиятлари таҳлилини ўқийсиз. Шунингдек, институт илмий ходимлари томонидан олиб борилаётган тадқиқотлар ҳам кўпчиликни қизиқтириши табиий. Хуллас, таҳририят барчани ижодий ҳамкорликка чорлайди!

**Ўз мухбиримиз.**

# Меҳр берсанг, меҳр кўрасан

***— Опажон, я хочу домой!***

***Узоқдан югуриб келиб, тарбиячи опасига эркаланаётган сочлари сариқ, юзкўзидан беғуборлик балқиб турган болакайнинг сўзлари диққатимизни тортди.***

***— Болам, булар газетадан экан... Меҳмон.***

***Бола меҳрибонининг бағрига бошини қўйганча айб иш қилгандек нигоҳини ерга қадади.***

***— Саша ақлли, зийрак бола, — деди Дилафрўзхон фарзандини оқлаётган оналардай. — У ўз оиласи, уйи бўлишини истайди, холос. Эшикдан ким кириб келса, шу гапини такрорлайди... Уни чақалоқлигида дарвоза олдига ташлаб кетишган. Ҳеч кими йўқ. Ўзимиз исм қўйдик, Зайниддинов деб фамилия бердик...***

Меҳр булоқ сувидек юракларни суғоради, дилларга нурафшонлик бахш этади. Яқинларимиздан ажраб қолсак ёхуд уларнинг бир оғиз ширин сўзига, муҳаббатига зор бўлсак, излаймиз ўша меҳрни!

Тошкентдаги 24-«Меҳрибонлик уйи»да бизни қарши олган Сашанинг сўзлари юрагимга аллақандай оғриқ солди. Балки бу адашган қиз хатосидир ёки виждон нелигини билмаган кимсанинг ножўя хатти-ҳаракатидир. Не бўлгандаям ўз ота-онаси, оиласи бўлишини орзу қилиб вояга етаётган норасиданинг гуноҳи нима? Нега у кимнингдир хатоси, бемаънилиги қурбони бўлиши керак?

Ҳозир мазкур «Меҳрибонлик уйи»да тарбияланаётган 129 нафар боладан атиги 10 фоизи ота-онасини йўқотганлар. Аксарияти ташлаб кетилган ё боқишга имконияти йўқ оилаларнинг фарзандлари. «Меҳрибонлик уйи»да яратилган шарт-шароит, кўрсатилаётган ғамхўрлик, тарбиячиларнинг қалб қўри билан эркалатишларию меҳру муҳаббати беқиёс. Масканда барча нарса муҳайё. Ўғил-қизларнинг ҳар жиҳатдан соғлом бўлиб улғайишига катта эътибор қаратилаётир. Бироқ ота-онасини соғинаётган Сашага таскин беришга журъатимиз етмади.

— Тарбияланаётган болаларни ўз фарзандларим қаторида кўраман, — дейди ўттиз йилдан буён болаларга меҳр улашаётган Насибахон Ҳасанова. — Ҳозир нафақада бўлсам ҳам, шулардан ажралолганим йўқ. «Меҳрибонлик уйи»да униб-ўсган ўғил-қизларимнинг яхши жойларда ишлаётганини, турмуш қуриб, фарзандли бўлганини эшитганимда беҳад суюнаман.

*Яхшилик*

Биз Насиба опани икки-уч қизчани ёнига олиб кир ювишни ўргатаётганида учратдик. Ҳамма ёқнинг саранжом-саришталиги, болаларнинг уст-бошлари озодалигини кўриб қувондик. Хона бурчагида турган музлатгичга кўзимиз тушиб, уни секин очиб кўрамиз: ҳўл мевалар, пишириқлар, шарбат турибди.

— 4-синфда ўқийман,— дейди ўзини Расул деб таништирган бола. — Синглим ҳам шу ерда. Бувим бизни кўргани келиб турадилар. Лекин адам билан опам қайтишларини, уларнинг ёнида бўлишни истайман.

— Нима, улар бирор жойга кетишганми?

— Ҳа, анча бўлди... Сафардан келмаяптилар.

— Бу ерда нима билан машғул бўласизлар?

— Ёз бўлгани учун ҳозир кўп ўртоқларимиз оромгоҳда. Биз «Ёшлик»ка бордик. Иккита гуруҳ билан футбол ўйнаб, мусобақа ғолиби бўлдик. Ана, қаранг, фахрий ёрлиқ ҳам олиб келдик, — дейди у деворда осилган ёрлиққа ишора қилиб.

— Катта бўлсанг ким бўлмоқчисан?

— Завод директори, ўшанда опамни машинада олиб юраман.

— Мен санъаткор бўлишни хоҳлайман, — дейди Собиржон эркаланиб.

— Яна нимани орзу қиласан?

— Онажоним касал бўлмасинлар, дейман. Шунда тез-тез келиб мендан хабар олиб турадилар.

Ангренлик Севара жавобни тўлдирган бўлади:

— Мен пулим кў-ўп бўлишини хоҳлайман.

— Нега?

— Болаларга совғалар бераман, онамга ҳам оламан...

Севара охирги сўзларини айтаркан, овози титраб кетди. Ёш бўлишига қарамай, фикрлари дадил, орзулари уммон уларнинг. Уларга разм солар эканман, жажжи қизчаларнинг қулоқларидаги бир хил зиракка кўзим тушди. Мавлуда исмли қиздан бу ҳақда сўраган бўлдим.

— Доно опамлар («Меҳрибонлик уйи» директорини айтяпти) ҳаммамизнинг қулоғимизга зирак тақиб қўйдилар.

57 қизу 72 ўғил болани бағрида авайлаб тарбиялаётган, оқ ювиб, оқ тараётган Доно Ворисовани учратолмадик. «Меҳрибонлик уйи» таъмирланаётганлиги боис баъзи юмушлар билан юрган экан. Унинг саъй-ҳаракати, эътибори туфайли болалар соғлом, маънавий баркамол бўлиб вояга етишаётганининг гувоҳи бўлдик. Тиббиёт хонасининг Солюкс, Дарсенвал, Паток, УЗД-1-01 Ф-М, Лазер каби физиотерапия аппаратлари билан жиҳозлангани, умумий овқатланиш хонасининг тоза ва тартиблилиги, компьютер хоналари...

— Баъзан сахий инсонлар болаларга совға-салом улашишади, — дея сўзида давом этади Дилафрўзхон опа. — «Совпластитал» акциядорлик жамияти болажонларга бўш вақтлари сермазмун ўтиши учун спорт майдончаси қуриб берди. «Бинго миллионер лото», Миллий ахборот агентлиги, «Фабрино» фирмаси бераётган ёрдамларни ҳам алоҳида айтиш лозим. Биз барча ҳомийларимиздан миннатдормиз.

Айтишларича, кимки боланинг бошини силаб, унга меҳр берса, бу энг катта одамийлик экан, у бир кун келиб ўзининг мевасини берар экан. Бола улғайгач, албатта яхшиликка яхшилик билан жавоб қайтариш пайига тушиши тайин.

Шукурки, инсон қадри унутилмас юртимизда бундай меҳрли кишилар истаганча топилади. Демак, оқибат абадий, меҳр-муҳаббат мангудир.

**Шоира БОЙМУРОДОВА, «Халқ сўзи» мухбири.**

Ўзбекистон - Кипр қўшма корхонаси
MEKSKORT INDUSTRIES

Тошкентдаги омбордан озиқ-овқат саноатида фойдаланиладиган ЭП-547 лаки билан қопланган ЭЖК А211 ва ЭЖР А211 русумли консерва идишлари ва шиша банкалар учун консерва қопқоқларини тайёрлашда ишлатиладиган

**ОҚ ТУНУКАНИ** сотади.

Шунингдек, ташкилотларга ўзининг ва буюртмачининг хомашёсидан оқ тунукани лак билан қоплаш бўйича хизмат кўрсатади.

Тўлов шакли — 100 фоиз пул ўтказиш йўли билан.

Телефон: 136-00-33. Факс: 136-12-21, Тошкент ш., «Мовароуннаҳр» кўчаси, 19-уй.

Товар сертификатланган.

"Lok Kolor Sintez" корхонасидан ЯНГИЛИК

**ПУЛ МАБЛАҒЛАРИНГИЗНИ ОҚИЛОНА ИШЛАТИНГ!**

**БИНОЛАРНИНГ ОЛД ТОМОНИ УЧУН СУВ БИЛАН АРАЛАШТИРИЛАДИГАН АЖОЙИБ МАТЕРИАЛЛАР КОМПЛЕКСИНИ ТАКЛИФ ЭТАМИЗ.**

*Корхона халқаро сифат совринига сазовор бўлган ва SPIнинг олтин медали билан тақдирланган.*

«ПЕНЕТОН»
шимдиргичи силикатли пойдеворлар тешикчаларига чуқур кириб бориб, уларнинг уст қатламини пишиқ ва мустаҳкам қилади ҳамда сувни ўзига тортишини камайтиради.



Ранг-баранг «БИНОФАС» бўёғи бино олд томонини ҳимоялайди ва унга чирой беради.

«БИНОГРУНТ»
грунтовкаси бўёқнинг бетонга бўлган адгезиясини яхшилайди ва бўёқнинг сарфланишини камайтиради.

*Товар сертификатланган.*

*Тўлов — пул ўтказиш йўли билан.*

**Манзил: Тошкент шаҳри, «Фарғона йўли» кўчаси, 13/22.**

Телефонлар: (998 71) 191-47-41, 191-80-94, факс: (998 71) 191-74-63.
E-mail: lokcolor@rol.uz

*Автомобилларни газ ( метан ) билан тўлдириш станциялари учун ускуналарни етказиб бериш имкониятига эгамиз.*

*Тўшакбоп пахта сотиб оламиз.*

Тел./факс: (998-71) 144-15-71, 41-20-62.
E-mail: lirafeniks@mail.ru

*Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги «Омадиёр коммуналчи» уй-жой мулкдорлари ширкати, ОКПО коди 18245676, тугатилади. Даъволар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой давомида қуйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, О. Зокиров кўчаси, 8-«А» уй. Телефон: 112-28-43.*

ТРАНСАЭРО АВИАКОМПАНИЯСИ

**БИЗНЕС ВА ДАМ ОЛИШ УЧУН АВИАКОМПАНИЯ**

**МОСКВА**

Бизнес класс тарифи эконом класс баҳосида, пенсионерлар,ёшлар ва оила тарифлари.

**БУЮК БРИТАНИЯ**

Лондон, Эдинбург, Манчестер — янги тарифлар.

**ГЕРМАНИЯ ВА ФРАНЦИЯ**

5 фоиз чегирма, талабалар учун йиллик тариф.







**133-99-35, 133-76-38, 133-27-45.**

«ТРУБНАЯ МЕТАЛЛУРГИЧЕСКАЯ КОМПАНИЯ» (Российская Федерация)

**ОАО «УЗКОММУНМАШТАЪМИНОТ»**

предлагает к реализации стальные трубы со склада в г.Ташкенте по нижеуказанным отпускным ценам.

*Завод-изготовитель – «Северский трубный завод» (г.Полевской, Свердловская обл.)*

| Диаметры труб (мм) | Цена за 1 тонну (без НДС) сум. Цены действительны по 10.08.2004 г. |
|---|---|
| **ТРУБЫ ВОДОГАЗОПРОВОДНЫЕ ГОСТ 3262-75:** | |
| ДУ 15х2,8 мм | 799000 |
| ДУ 65х4,0 мм | 790000 |
| ДУ 80х3,5 мм | 790000 |
| ДУ 100х4,0-5,0 мм | 790000 |
| **ТРУБЫ ЭЛЕКТРОСВАРНЫЕ ГОСТ 10704-91; 10705-80:** | |
| 76х3,5 мм | 790000 |
| 89х4,0-5,0 мм | 790000 |
| 108х3,5-5,0 мм | 790000 |



*Трубы водогазопроводные ГОСТ 3262-75, ДУ 15,20,25,32,40,50 мм поступят на склад в г.Ташкент после 20.08.2004 г.*

Кроме того, под заказ поставляем металлические трубы любого диаметра и назначения с трубных заводов, входящих в состав «Трубной металлургической компании» (Россия):
- Волжский трубный завод (г.Волжский, Волгоградская область);
- Северский трубный завод (г.Полевской, Свердловская область);
- Синарский трубный завод (г.Каменск-Уральский, Свердловская область);
- Таганрогский металлургический завод (г.Таганрог, Ростовская область).

Контактные телефоны: 132-20-56, 134-05-75, 134-07-94, факс 132-20-56.
E-mail: uzkommashta@tkt.uz
Адрес: 700035, г.Ташкент, ул.Ниёзбек йули, 1, 7-й этаж, здание института «Узбеккоммуналлойиха».

Товар сертифицирован, услуги лицензированы.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди жамоаси Олий суд ходими Асрор Қодировга отаси **Ҳамроқул ҚОДИРОВ** ва акаси **Асқар ҚОДИРОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзбекэнерго» ДАК ва «Ўзэлектртармоқ» шўъба корхонаси жамоалари «Ўздавэнергоназорат» инспекцияси бошлиғи Ботир Тешабоевга ўғли **ЖАҲОНГИРнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти миллий кенгаши Самарқанд вилояти кенгаши раиси Мусурмон Мамадияровга онаси **КАРОМАТ аянинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Жаҳон спорти



## *Ҳужумкорлик — ғалаба манбаи..ми?*

Машҳур футбол юлдузи Марко ван Бастен Голландия терма жамоасига мураббий этиб тайинланганиданоқ, «тўқ сариқлар» эндиликда фақат ҳужумкор футбол кўрсатишларини билдирди. Кеча 39 ёшли Марко ван Бастен ўз ёрдамчиси Жон вант Схип билан биргаликда тўрт йиллик шартномани имзолашди.

Бундан аввал «тўқ сариқлар»га мураббийлик қилган Дик Адвокаат терма жамоаси «ЕВРО — 2004»да ярим финалгача чиқишган эди.

## Уильямс яна Тайсон билан беллашмоқчи

Британиялик боксчи Дэнни Уильямс Майк Тайсон билан яна бир



бор рингга чиқишга ҳозирлигини маълум қилди. У бундан бир неча кун аввал «Темир Майк»ни нокаут билан мағлубиятга учратган эди.

Уильямснинг бундай қарорга келишига кўпчилик унинг ғалабасини жиддий қабул қилмаётгани сабаб бўлди.

Ўтган шанба куни Луисвиллда икки боксчи ўртасидаги беллашувнинг тўртинчи раундида Уильямс Тайсонни нокаутга учратган эди. Буни Тайсоннинг менежери Шелли Финкель «Темир Майк» биринчи раундда тиззасидан жароҳат олгани туфайли содир бўлди, дея изоҳлади.

## *Зайниддин жароҳат олди*

Франция терма жамоаси ярим ҳимоячиси Зайниддин Зидан Мадриднинг «Реал»



жамоаси таркибида Токионинг «Верди» клубига қарши ўртоқлик учрашувида чап оёғидан жароҳат олди. Шифокорлар унинг муолажа курсини ўташи зарурлигини таъкидлашаётир.

Қироллик клуби яқин кунлар ичида еврокубок баҳсларининг учинчи саралаш босқичида «ВИТ-Жоржия» — «Висла» ғолиби билан майдонга чиқиши керак. Мутахассислар Зидан ана шу ўйингача соғлиғини тўлиқ тиклай олмаслиги мумкинлигини айтишмоқда.

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко (масъул котиб — «Народное слово»), М. Миралимов, С. Муҳиддинов, Ш. Ризаев, А. Саидов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Ўтбосаров, А. Ҳайдаров, Ў. Ҳошимов.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 968. 22129 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ва Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.

Таҳририятга ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
[Т]-Тижорат материали

● МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Ҳ. Каримов.
Навбатчи — С. Донийёров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ТЕЛЕФОНЛАР: *Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.*

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.30 Топширилди — 23.20 2345